

“Тасдиқлайман”

Кинематография агентлиги
директори в.в.б

Ш.Ризаев

2025-йил 31-октябрь



Кинематография агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
Йиғилиш
БАЁНИ

2025-йил 30-октябрь

“Ренессанс”
кино уйи

Раислик қилди: Ш.Ризаев – Кинематография агентлиги
Директори в.б

Иштирок этди: Кинематография агентлиги жамоатчилик кенгаши
аъзолари ҳамда агентликнинг соҳага тегишли раҳбар
ва ходимлари

Кун тартиби:

Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши янгиланган таркибини таништириш ва раислигига янги номзодни сайлаш бўйича таклиф, “Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасаси томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда соҳадаги муаммолар, 2025 йилнинг ўтган 10 оyi давомида “Тирик тарих” дастури доирасидаги кинолойиҳалар, давлат буюртмаси асосида яратилаётган фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқарилиши ҳолати бўйича ҳисобот ва муаммолар ҳамда коррупцияга қарши муросасиз курашиш бўйича ташкил этилган алоқа каналлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида.

(Ш.Ризаев, Х.Насимов, М.Матчонов, Т.Мўминов, ... М.Курбанбаева)

Йиғилишни Ўзбекистон Ресупбликаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги директори Ш.Ризаев кириш сўзи билан очиб берди.

Ўзининг нутқида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 4-июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик

кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони талаблари ва моҳияти тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 4-мартдаги “2021—2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон Фармони талабларига кўра, Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши таркибига касаба, меҳнат фахрийлари, давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари яъни жамоатчилик кенгаши раиси ҳамда аъзолари жами 13 нафар таркибда шакллантирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Кинематография агентлигининг 2025-йил 15-апрелдаги 43а-сонли буйруғи билан Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги **Низом**и тасдиқланганлиги ҳамда ушбу Низомда жамоатчилик Кенгашига оид барча вазифалар белгиланганлиги ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 14-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармони ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан, Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш мақсадида агентликнинг расмий веб сайтидаги “Жамоатчилик кенгаши” алоҳида саҳифаси очилганлиги алоҳида эътироф этилди. (<https://uzbkino.uz>).

Ушбу саҳифага жамоатчилик кенгаши фаолиятига оид тегишли маълумотлар киритилиб бориш учун агентлик матбуот котибига масъуллар томонидан маълумотлар тақдим этиб борилиши таъкидлаб ўтилди. (<https://uzbkino.uz/uz/public-information?type=2>).

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раислигига номзод сифатида **Насимов Ҳилол Тўлқинович** сайлаш таклифи илгари сурилди. Йиғилишда иштирок этган жамоатчилик

кенгаши аъзолари томонидан бир овоз билан **Насимов Ҳилол Тўлқинович** номзоди маъқулланди ҳамда раис сифатида сайланди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Ўзбекистон миллий кинофонди” ДМ рахбари **Э.Раҳманов** сўзга чиқиб амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда соҳадаги муаммолар ҳақида жамоатчилик кенгаши аъзоларига ҳисобот бериб ўтди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан агентлик маъсул ходими **Х.Исмоилова** сўзга чиқиб “Тирик тарих” дастури доирасидаги кинолойиҳалар дастурга киритилган 54 та фильмдан 4 таси яратилиб, тақдимотлари ўтказилганлиги, Жорий йил охирига қадар **“Ўзбек арслони”** (Казбек) бадиий филми ҳамда **“Бухоро Марвариди”** (Масжид) бадиий-публицистик фильми Миллий кенгаш кўригига тақдим этилганлигини, танловлар асосида қолган 50 та фильмдан 28 таси (шу жумладан, 16 та халқаро фильм) ишлаб чиқаришга туширилганлиги ҳамда Миллий кенгаш қарорига кўра, 22 та кинолойиҳа тўғридан тўғри буюртма берилиши режалаштирилаётганлиги тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди.

Давлат буюртмаси асосида яратилаётган фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқарилиши ҳолати бўйича агентлик маъсул ходими **Ш.Қобулов** сўзга чиқиб давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган кинолойиҳаларга **18 та** мавзу йўналишлари бўйича танлов эълон қилинганлигини, мазкур танловга **61 та** студиядан **346 та лойиҳа** келиб тушганлигини таъкидлади.

Келиб тушган лойиҳалар жорий йилнинг 20 февралидан 6 мартига қадар **9 маротаба** ўтказилган Бадиий кенгаш питчингида кўриб чиқилиб, **54 та лойиҳа ғолиб деб топилганлигини**, мазкур **54 та** кинолойиҳалардан **30 та** лойиҳа ишлаб чиқаришга туширилган, **9 та** лойиҳа адабий сценарий ёзиш жараёнида, **1 та** лойиҳа (*Танловнинг Хорижий ҳамкорликдаги лойиҳалар йўналишида ғолиб бўлган “Шаги матери” Бадиий кенгаш аъзолари томонидан билдирилган **фикр-мулоҳазаларга асосан***) тўхтатилган ва **14 та** лойиҳанинг тақдимотлари ўтказилганлиги юзасидан батафсил маълумот бериб ўтилди. Шунингдек соҳадаги айрим муаммо ва таклифлар ҳақида жамоатчилик кенгаши аъзоларига ҳисобот бериб ўтди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан агентликнинг коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат хизмати маъсул ходими Я.Эшонхонов сўзга чиқиб, агентликда коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асослар яратилганлиги ҳамда

коррупцияга қарши мурасасиз курашиш бўйича ташкил этилган алоқа каналлари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни инобатга олиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раислигига Насимов Ҳилол Тўлқинович сайланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон миллий кинофонди” ДМ томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда соҳадаги муаммолар ва келгусидаги вазифалар юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин..

3. Кинематография агентлиги томонидан 2025-йил 10 ойида “**Тирик тарих**” дастури доирасидаги кинолойиҳалар, **давлат буюртмаси** асосида яратилаётган фильмлар ва сериалларни ишлаб чиқарилиши ҳолати бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

4. Жамоатчиликда коррупсияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида тегишли масъуллар иштирокида мунтазам ташвиқот ишларини амалга ошириб борсин;

5. Агентлик билан жамоатчилик кенгаши ҳамкорлиги янада мустаҳкамлансин.

Агентлик билан Жамоатчилик кенгашининг биргаликдаги олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур йиғилиш баёнида белгиланган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби:

Я.Эшонхонов